

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2013 йил 27 февраль, № 40 (5714) • Чоршанба

Манфаатли ҳамкорлик ва самара

Кеча пойтахтимизда иш бошлаган кўрғазмалар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.



“Ўзэкспоарказ” мажмуасида иш бошлаган “Қурилиш — UzBuild — 2013”, “Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари — MebelExpo Uzbekistan — 2013” ва “Иситиш, ҳаво алмаштириш, совитиш ва ҳовузлар — Aqua-Therm Tashkent — 2013” халқаро кўрғазмаларида мазкур соҳаларда етакчи ўрин тутаётган

200 та мақаллий ва хорижий компания ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

лари билан самарали алоқа ўрнатилган, — дейди меҳмон. — Ўзбекистон бозорига кириб келганимизга эса, эндигина икки йил бўлди. Биласизми, шу давр мобайнида юртингизда бунёдкорлик ишлари жадал ривожланаётганининг гувоҳига айландик. Жойларда кўплаб ҳашаматли объектлар, замонавий уй-жойлар, мухташам саройлар барпо этилмоқда. Қисқаси, бу ерда қурилиш ишлари кенг қулоч ёйган. Бу, аввало, қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам юқори эканлигидан далолат беради, қолверса, янги корхоналарни ташкил этиш ёки мавжудларини модернизациялаш заруратини ҳам оширади. Шу қарорда “Silver Nile” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги бир неча гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга усқуналарни етказиб бериш бўйича келишувга эришидик. Асосан, кўмир билан ишлашга мўлжалланган бизнинг технологияларимиз одатдаги усқуналарга нисбатан анча тежамкор. Боз устига, унинг ёрдамида ишининг узлуқсизлиги ҳам таъминланади.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро кўрғазма

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда қишлоқ жойларда яқна тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага етказиш, бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан 54 фоиз кўп

маблаг йўналтириш мўлжалланган кайд этилди. Демак, бу йил халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва турмуш фаровонлиги бундан-да юксалади.

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспоарказ” мажмуасида иш бошлаган “Қурилиш — UzBuild — 2013”, “Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари — MebelExpo Uzbekistan — 2013” ҳамда “Иситиш, ҳаво алмаштириш, совитиш ва ҳовузлар — Aqua-Therm Tashkent —

2013” халқаро кўрғазмаларининг очилиш маросимида шулар хусусида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, юртимизда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилаётган. Бундай бунёдкорлик ишлари, ҳатто хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Биз

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларнинг барчаси Президентимиз Ислом Қаримовнинг 2013 йил 14 февралда имзоланган қарорига мувофиқ қабул қилинган “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

2013 йил — Обод турмуш йили

Дастурнинг иккинчи бўлимида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларнинг мутасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар ҳамда кам таъминланган оилаларни давлат томонидан манзилли ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга

доир чора-тадбирлар белгиланган.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камидан 23 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кен-

гайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), яқна тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), қасаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш (218,4 минг), фермер ва деҳқон хўжалиқларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий ночор ҳамда фаолият кўрсат-

маётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) ҳисобидан 972,7 мингта янги иш ўрнини яратиш режалаштирилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи кўп бўлган 53 туманда хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграциялашган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан 13 мингта юқори технологияли янги иш ўринлари яратилади.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Замонавий демографик жараёнлар ва экологик барқарорлик масалалари” мавзусида семинар ўтказилди.

Экологик барқарорликни таъминлаш йўлида

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Экоҳаракат фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари, олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчилари, атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган нодавлат но-тижорат ташкилотлари, халқаро ваколатхона вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Таъкидландики, ҳозирги кунда экологиянинг глобал даражада ёмонлашуви жаҳон ҳамжамиятини ўйлантирадиган муаммоларни юзага чиқармоқда. Натияжада атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш сингари вазифалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис кейинги йилларда ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида дунё миқёсида катта куч ва маблаг сарфланмоқда. Экологик мавзуга бағишланган кўплаб учрашув ҳамда анжуманлар уюштириляпти.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини таъкидлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тарихий тузилмаларида бир ой давомида турли учрашув ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолати

Шундай тадбирлардан бири тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамкорлигида “Тошкент-Аэро” иxtисослаштирилган божхона комплексида ўтказилди. Унда қатнашган тизим ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари эътироф этганидек, мазкур Қонун руҳсат бериш тизимининг ягона меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида руҳсат бериш тартиб-таомилларининг

ўтиш шартлари ва тартибини унификациялаш ҳамда уни амалга оширишда ортқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айни чоғда у тадбиркорлик субъектлари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бошқарувчилик ҳаракатларининг шаффоқлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Фермерлик ҳаракати истиқболи

Сирдарё вилоятида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросига бағишланган республика кўрғазмида семинари бўлиб ўтди.

Фармон ва ижро

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермерлар кенгашлари раислари, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, ти- жорат банклари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш ҳамда таъминотчи компаниялар мутасаддилари иштирок этди. Тадбир қатнашчилари

дастлаб Сирдарё туманидаги “Интер Милк” масъулияти чекланган жамиятининг сутини қайта ишлаш корхонаси, “Йўлчибой ота” кўп тармоқли фермер хўжалигининг қорва-чилик комплекси ҳамда “Авесто зардушт” кўп тар- моқли фермер хўжалигининг боғдорчилик соҳасида эриш- ган ютуқлари билан яқиндан танишдилар. Айниқса, Сайху-

нобод туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунара коллежи қошида ташкил этилган “Фермерлар ўқув маркази” фаолияти уларда катта қизиқиш уйғотди. Гап шундаки, ҳозирги кунда мазкур марказда туман фермерлари учун балиқчилик, иссиқхона хўжалиги, асаларчилик сингари йўналишларда мунтазам равишда ўқувлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, бу ерда улар томчилатиб сугориш борасида ўзaro тажриба алмашишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

26 февраль кун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда туризмини ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги парламент эшитиув бўлиб ўтди. Ушбу масала юзасидан “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг раиси Ф. Ризаев ахборот берди.

ДЕПУТАТЛАР ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИНИ ЎТКАЗДИЛАР

Мазкур тадбир миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон халқларининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган туризмини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг боришини таҳлил этиш ва ҳолис баҳолаш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилди.

Шу нарса таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда хориждаги экспертлар туризмини ривожлантириш борасида Ўзбекистон битмас-туганмас салоҳиятга эга эканлигини эътироф этмоқдалар. Республикаимиз ҳудудида турли даврларга ва тамаддуларга тааллуқли 4 мингдан зиёд меъморчилик ва санъат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улардан кўпи ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхати- га киритилган.

Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳолини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида туризм соҳасини тартибга солиш ҳамда иқтисодиётнинг туристик салоҳиятини изчил ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилган. Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимиз минтақаларида кўрсатиладиган туристик хизматлар сифатини ошириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манбаига айланмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 865 туристик ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилда саёҳатчилар сонининг ўсиши 2011 йилдагига нисбатан 17,5 фоизга, чет эллик туристларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар 15 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, депутатлар ўтказган назорат таҳлил ишларининг яқун- ларига кўра, туризм соҳасини янада ривожлан-

тириш бўйича бир қатор фойдаланилмаган имкони- лардан аниқланди. Чунончи, саёҳатчилар оқимининг асосий қисми ҳамон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақаларида инфратузилмани изчил ривожлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаётган. Туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш туризми каби турларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарур. Кўрсатиладиган сервис хизматларидаги сифатини, саёҳатчиларнинг жалб этишнинг замонавий самарали шакл ва усулларидан фойдаланишни, миллий туристик индустрияга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида ишларни ҳам яхши- лаш лозим.

Ўз чизиқларида депутатлар ички туризмин, шу жумладан, ёшлар туризми маданий мероси рўйхати- га киритилган. Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳолини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида туризм соҳасини тартибга солиш ҳамда иқтисодиётнинг туристик салоҳиятини изчил ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилган. Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимиз минтақаларида кўрсатиладиган туристик хизматлар сифатини ошириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манбаига айланмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 865 туристик ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилда саёҳатчилар сонининг ўсиши 2011 йилдагига нисбатан 17,5 фоизга, чет эллик туристларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар 15 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, депутатлар ўтказган назорат таҳлил ишларининг яқун- ларига кўра, туризм соҳасини янада ривожлан-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Астероидлар овчиси

Ҳиндистоннинг Шрихарикота оролида жойлашган космодромдан бир йўла етти та сунъий йўлдош фазага учирилди, дейилади "Евронеос" телеканали тарқатган хабарда.



Масалан, улардан бири — Ҳиндистон ва Франция ҳамкорлигида яратилган "SARAL" сунъий йўлдоши иклим ўзгаришлари, музликларнинг эриши каби табиий ҳодисалар ҳақида маълумотлар тушлаб, Ерга узади туради.

Канаданинг "NEOSat" космик аппарати эса хавфли астероидларни ўрганишга ихтисослаштирилган биринчи сунъий йўлдош ҳисобланади. Шу боис унга рамзий маънода "астероидлар овчиси" дея ном берилган.

Вақтинча фойдаланмайди

Япониянинг "All Nippon Airways" авиакомпанияси жорий йилнинг май ойи охирига қадар "Boeing 787 Dreamliner" самолётларидан фойдаланмайди.



Маълумки, олдинроқ мазкур авиакомпания сотиб олган "Boeing 787 Dreamliner" самолётларининг аккумуляторлари панд бериши натижасида кўнгилсиз ҳолатлар кузатилади. Масалан, уларни фавқулодда кўндиришга тўғри келган пайтлар бўлди.

Чунки ўша вақтга бориб, АКШ томони ушбу лайнерлар билан юзага келган муаммолар сабабларини тўлиқ ўрганиб, ўз хулосаларини билдиради.

"All Nippon Airways" дунё бўйича ушбу русумдаги энг кўп лайнерга эга (17 та) авиакомпания ҳисобланади.

Инқироз таъсири

Греция марказий банки раҳбарининг айтишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли сўнги беш йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми 20 фоизга камайган.

Жорий йилда бу борадаги кўрсаткич яна 4,5 фоизга пасайиши ҳамда ишсизлик даражаси ортishi тахмин қилинмоқда. Еврокомиссия томонидан ҳам худди шундай прогнозлар билдирилган. Унга кўра, жорий йил якунига бориб, Грецияда ишсизлик 24,7 фоиздан 27 фоизгача етиши мумкин.

Ҳаво шаридаги кўнгилсизлик

Мисрнинг Луксор шаҳрида 20 нафар сайёҳни олиб кетаётган ҳаво шари қулаб тушди.



ган. Бошқа бир манбада эса ҳаво шарида дастлаб ёнгин содир бўлиб, кейин портлаш юз бергани айтилади. Шундан сўнг у фалокатга учраган.

Бу ҳақда маҳаллий "Nile TV" телеканали хабар берди. Кўнгилсизлик оқибатида 19 нафар сайёҳ ҳаётдан кўз юм-

Халок бўлган туристлар Франция, Буюк Британия, Япония ва Хитой каби мамлакатларнинг фуқаролари экани маълум қилинди.

Фавқулодда ҳолат

Хитойнинг шарқий соҳилларидаги Шаньдун яриморлида кўмир ташувчи кемада ёнгин содир бўлди.

Панама давлати байроғи остида ҳаракатланаётган ушбу сув транспортда тўрт минг тонна кўмир бўлган. Ўт унинг машина бўлимидан чиққан. Фожиа юз берган вақтда ўн беш кишидан иборат экипаж аъзоси бўлган. Улар вақтида кема тарқ этишга улгуришган ва хитойлик кутқарувчилар ёрдамида қуққликка чиқиб олишган.

Сув тошқинлари кузатилмоқда

Австралиянинг жануби-шарқий ҳудудларида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.



Табий офат оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, 20 минг киши эса ташқи дунёдан узилиб қолган. Чунки улар яшаётган манзилларга олиб борадиган йўллар фойдаланишга яроқсиз аҳволга келиб

қолган. Шунингдек, қўлаб тураржой биноларини сув босган, электр тармоғида узилишлар рўй берди. Метеорологлар дарёларда сув сатҳи яна кўтарилиши мумкинлигини маълум қилишди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жараён

Бугун юртимиз фермерларининг нафақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, балки уларни қайта ишлаш борасида ҳам етакчи кучга айланиб бораётгани қувонarliдир. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар қишлоқ жойларда саноатнинг жадал ривожланишига, янги иш ўринларининг вужудга келишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади.

— Ўтган йиллар давомида вилоятимизда ташкил этилган 4515 та фермер хўжалиги бугун аграр сектор ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. — дейди Наманган вилояти ҳокимилиги бош мутахассиси Баҳодир Мўйдинов. — Чунки, ҳозир етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизи ушбу соҳа вакиллари улушига тўғри келмоқда. Уларнинг барқарор ривожланишида давлатимиз томонидан берилётган имтиёз ва преференциялар кўл келмоқда. Бинобарин, Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишнинг янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида фермер хўжаликлар таркибида қўшимча ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий технологияларни олиб келиш ва қурилиш ишларини ташкил этиш бўйича махсус дастур тайёрланиб, амалга оширишга киришилди. Мазкур ҳужжатга кўра, яқин истикболда 520 та фермер хўжалигида турли йўналишлар бўйича 34 миллиард 174 миллион сўмлик лойиҳаларни рўйб-га чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бунинг натижасида 2547 та иш ўрни юзага келади.

Қишлоқ мулкдорлари

нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни қайта ишлашда ҳам муваффақиятларга эришмоқдалар

Жумладан, гўштни қайта ишлаш йўналишидаги 3 та лойиҳага 695 миллион сўм, сутни қайта ишлаш бўйича 8 та лойиҳага 2 миллиард 105 миллион сўм инвестиция киритиш режалаштирилган. Бу сармоя ҳисобига, энг аввало, замонавий технология харид қилиниб, айланма маблағлар шакллантирилади. Пироваддида мазкур хўжаликлар ўзи етиштираётган чорвачилик маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш орқали бўзорино юқори сифатли тайёр озиқ-овқат билан таъминлай бошайдилар.

Эътиборли жиҳати, Наманганда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш борасида йиллар давомида туپланган тажриба бу борадаги янги лойиҳалар ижросида асос бўлмоқда. Масалан, Косонсой туманидаги "Чашмаи сафед" фермер хўжалигининг мазкур йўналишдаги эзгу ишлари қишлоқ мулкдорларига намна бўляпти.

Президентимиз вилоятга сафарларидан бирида ушбу хўжалигининг гўшт ва сутни қайта ишлаш борасидаги тажрибасини маълум қилган эди.



Кейинги ўн тўрт йил давомида Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилётган мазкур хўжалик иштирокидаги ерлар 80 гектардан 272 гектарга, қорамоллар сонини эса 28 бошдан минг бошга етди. Ҳозир бу ерда 8 турдаги қолбас маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Сут ва гўшт етиштириш билангина даромадини кўпайтириш мумкинлигини англаган Ҳамидхон ака ушбу маҳсулотларни қайта ишлаш орқали ибрат кўрсатди. Фаолиятнинг иккинчи йили Германиядан келиб

тирилган замонавий технология асосида хўжаликнинг қўшимча тармоғига асос солинди. Унинг ёрдамида пиш-каби, бринза, қаймоқ, қаймоқ каби 12 турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлига қўйилди. 2007 йилда Голландиядан 30 бош зотдор сигир олиб келинган,

юқори сифатли деворбоп материал тайёрланмоқда. Умуман олганда, 348 тонна галла, 991 тонна сут, 94 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, ўтган йилни юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Соф фойда миқдори

чалик шу ерда меҳнат фаолиятини бошлашмоқда.

— Фермернинг, айниқса, ёшларга эътибори катта, — дейди гўштни қайта ишлаш ҳақида меҳнат қилаётган Дилноза Ирисметова. — Мутахассислик дипломи билан ишга келганим заҳоти замонавий дастхоналарни бошқаришга маъсум этиб тайинландим. Қисқа муддатда касбим сирасорларини пухта ўзлаштириб олдим. Хўжалигимизнинг туман марказидаги махсус савдо дўкони ва икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш мажмуасида тенгдошларимдан 40 нафари меҳнат қилаётган.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Чашмаи сафед"нинг даромади охири боргани сари унинг қишлоқ иқтисодий-иқтисодий иқтисодлариди иштироки ҳам кенгаймоқда. Масалан, бундан икки йил аввал 120 миллион сўм маблағ эвазига Боғишомол қишлоғида спорт-соғломлаштириш мажмуаси ишга туширилган эди. Волейбол, футбол майдонлари, стол тенниси, сузиш ҳавзаси, гимнастика залига эга бўлган ушбу мажмуа эндиликда ишларининг семимли масканига айланган. Айни чоғда хўжалик томонидан қишлоқда маиший хизмат ва сервис мажмуаси ҳамда замонавий ҳаммом биноси барпо этилмоқда.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айтиш кераки, фермер хўжаликлари фаолиятини янги босқични бошлаб берди. Унда кўзда тутилган имкониятлар эса "Чашмаи сафед" сингари давр билан ҳамқадам иш олиб бораётган фермер хўжаликларининг янада равнақ топишига йўл очмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Аҳмад ҲАМИДМАН олган сурат.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда худудий филиалларида 2013 йилнинг 1 февралдан то 1 апрелигача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция қилибга айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция қилибга мукофотларни тақдим этиш маросими 2013 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз»
акциясида қўшимча!

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Яссавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси.
Бошланғич баҳоси — 144 737 426 сўм.
- Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғонига жойлашган, «Пиллакор» МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Г-литердаги бостирма.
Бошланғич баҳоси — 24 361 256 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 19 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 15 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сарбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-001.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- Қўрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 18 февралдаги 11-1131/28588-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, «Байтўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган оморхона иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 474 061 055,4 сўм.
- Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 11-1235/9530-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 186 201 000 сўм.
- Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 сентябрдаги 1-5119-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси, 5-хонадонда жойлашган, 5 хонадан иборат офис биноси.
Бошланғич баҳоси — 19 125 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 14 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

11-1027/28177-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўрай тумани, «Май» ҚФЙ, Дўстлик маҳалласида жойлашган бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 50 404 232 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 29 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2013 йил 29 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 15 апрель куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон.
Телефон: (+99893) 577-22-12.

Лицензия: RR-0052.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни хариддорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЙЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЙЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2011 йил 8 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, «Арқони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтохур тумани, Жарақиш кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сонини 10 та, умумий йўлакларини 2 та, 1 та ёрдамчи хона, 1 та ҳожатхона, 1 та ошхонаси мавжуд бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

Бошланғич нархи — 409 015 065 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимомиди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 811-хона.
Телефонлари (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Тошкент фармацевтика институти жомаси Дори воситалари саноат технологияси кафедраси сойқ профессорси Мухаммадхон УСЎБОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдилади.

Маълумки, ўз илдизлари билан кўҳна тарихга бориб туташидиган ёғоч ўймакорлиги санъати Ўзбекистон бадиий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбек анъанавий меъморчилигида ҳамда халқимизнинг кундалик ҳаётида ёғоч ўймакорлиги қадим-қадимдан машҳур бўлиб келган. Шаҳарсозликда у устун, пештоқ, эшик, тоқча ва панжара каби меъморчилик намуналарининг муҳим бўлаги сифатида қўлланилади. Ундан юртимизда нафақат бунёдкорликда, балки уй жиҳозлари ясашда ҳам кенг қўлланилади.

Ўзбекистон ёғоч ўймакорлиги санъати Киевда намойиш этилди

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги дипломатия ваколатхонасида ташкил этилган кўргазма ана шу мавзуга бағишланди. Мазкур тадбир чоғида Киев шаҳри аҳолиси мамлакатимиз ёғоч ўймакорлигининг кўп аслик анъаналари ва нақш санъатининг ранг-баранглиги билан ақиндан танишиши имкониятига эга бўлди.

Кўргазмада айвон, хонтахта, ўйма эшик, сўри сингари ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари ва бошқа кўплаб меъморчилик намуналари намойиш қилинди. Ўзбек усталари томонидан Украина қайрағочи ва эман ёғочидан тайёрланган турли буюмлар ҳам кўргазма пештахталаридан жой олди.

Тадбирнинг очишлиш маросимида машҳур санъатшунослар, Украина ижтимоий-сиёсий марказлари, Архитектура ва қурилиш институти вакиллари, "Брус Майерс", "АНТ Украина" сингари ёғочни қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фаргона вилояти Фуқрат туманидан келган халқ устаси Маҳаматали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлигининг тарихи ҳақида тадбирнинг кўп сонли иштирокчиларига сўзлаб берди. У, жумладан, Фарғона услубига хос бўлган, ўймакор усталар томонидан қўлланиладиган ёғочга ишлов беришнинг текис-рельефли махсус йўли — парғори усули ҳақида атрафлича тўхталди. Шу билан бирга, уста айлана ва чизгич ёрдамида доира, тўртбурчак, учбурчаклардан иборат нозик нақш жойлаштирилган геометрик турли чизгачи ҳолда, аниқ нафис тасвирлар қай тарзда хосил қилинишини амалда кўрсатиб берди. Шу тариқа кўргазма меҳмонлари ёғочнинг миллий намуналарга айланиши ва унга "иккинчи ҳаёт"нинг бахш этилиши жараёни билан яқиндан танишдилар.

Кўргазма чоғида кўплаб украиналик санъатшунослар ҳам эътироф этишганидек, Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг қадимий турларидан бири бўлган ёғоч ўймакорлиги бугунги кунда янгича мазмун ва йўналиш касб этмоқда. Мохир усталар ўтмишда эришилган санъатнинг энг яхши ютуқларини сақлаб қолишгани ҳолда, уларни янги тажрибалар билан бойитмоқдалар.

Биз ва жаҳон

«Жаҳон» АА.
Киев

Соғлом бола, бахтиёр она

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор хайри қора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги вазифалар ижросини изчил таъминлашга хизмат қилаётир.

Тиббиёт

Қарорга мувофиқ, Самарқанд вилоятида ҳам оналик ва болалик муҳофазасига қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан кўплаб янги тиббий муассасалар барпо этилгани ҳолда, мавжудлари тўлиқ таъмирланиб, моддий-техник базаси мустақамланаяпти.

Самарқанд шаҳридаги Скрининг маркази янада самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида ўтган йили 462 миллион сўм маблағ сарфланди. Энг муҳими, 22 минг нафар бўлажак она ва 66 минг нафар янги туғилган чақалоқ ушбу марказда текширувдан ўтказилиб, 179 ҳолатда тугма ногиронликнинг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Перинатал хизматнинг замон талабларига мос бўлиши, юқори сифат



Жаббор НАБИЕВ олган сурат.

кўрсаткичларига эришиш учун эса вилоят Перинатал маркази капитал таъмирланди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Эндликда марказнинг тиббий хизмат кўрсатиши имконияти ва сифати янада ортганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Тиббий масканда хомиладор аёллар, ёш оналар ва чақалоқларга ихтисослаштирилган хиз-

тирилди. Ушбу ўринларнинг 1,5 мингтаси вақтидан олдин туғилган ва камвазгли чақалоқлар учун мўлжалланган. Хозирги кунда 500 граммдан ортиқ вазнда туғилган чақалоқлар ҳам парваришланиб, халқаро стандартлар даражасида тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Негаки, биздаги энг сўнгги русумли тиббий ускуналар гўдақларни худди она қорнидагидек муҳитда катта қилиш имконини беради.

Бу каби шароитлар бугун оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар камайишига, турли хил экстрагенитал касалликларни аниқланган аёлларни соғломлаштиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, ёш оналарнинг тиббий маданият даражасини ошириш, туғуруқ ёшидаги аёлларга репродуктив саломатлиқни мустақамлаш билан боғлиқ зарур тиббий тавсиялар бериш йўналишидаги сайё-ҳаракатлар ижобий самара келтираяпти.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Футбол

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларига старт берилди.

«Пахтакор»нинг галабаси

Нубузли мусобақанинг "В" гуруҳидан жой олган Ташкентнинг "Пахтакор" жамоаси биринчи турда "Ал Иттифоқ" (Саудия Арабистони) клубига қарши баҳс олиб борди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган ўйинда Темурхўжа Абдухалиқов томонидан киритилган ягона гол ҳамюртларимизга муҳим уч очкони келтирди.

Ушбу гуруҳдаги иккинчи учрашувда Қатарнинг "Лахвия" ва Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Шабаб" клублари ўзаро беллашди. Улар ўртасидаги баҳс 2:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

Осиё чемпионлар лигасининг "G" кватретида жой олган яна бир жамоамиз — "Бунёкор" биринчи турни бугун сафарда Япониянинг "Санфречче Хиросима" клубига қарши ўтказди. Мазкур ўйин Тошкент вақти билан соат 15:00 да бошланди.

Ҳозирдан АБИЛОВ.

Маданият хабарлари



Пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвонсаройида "Антиқа ва ўрта аср шамчироқлари" номли кўргазма бўлиб ўтмоқда.

Антиқа шамчироқлар

Унда мазкур маданият масканида сақланаётган эллика яқин ноёб экспонатлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Улар мамлакатимизда олиб боришган археологик қазималар чоғида топишган илк ўрта аср ва ўрта асрда доир шамчироқлардир.

Гўзал РАҲМОНОВА.

Суратларда қалб кечинмалари

Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида Ўзбекистон халқ рассоми Жўлибой Ишентаев асарлари кўргазмаси очилди.

Унда мусаввирнинг музей фондида сақланаётган асарлари намойиш этилмоқда. Ижод намуналари орасида инсон қалб кечинмалари тасвирланган лирик картиналар, портретлар, пейзаж ва натюрморлар томошабинларни берафқ қолдирмайди. Айниқса, "Хива, ҳовуз", "Нукус ховлиси", "Овул манзараси", "Қумғон", "Гуллар" ва "Қовоқ" сингари асарлар санъат ихлосмандлари қизиқишини оширмоқда. Кўргазма ойи оқибом этади.

Саодат УСМОНОВА.

Тадбир

Айни кунларда республикамизнинг турли худудларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Адабиёт ҳафталиклари", "Китобхонлик байрамлари" ва ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Муталаага ошуфталик

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилди. Адиб ва шоирлар, ўқитувчи ҳамда талабалар қатнашган мазкур анжуманда мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалбиде истиқлол гоёларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат, миллий анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини қарор топтириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, китобхонлик байрамларида талаба-ёшлар учун юртимизда чоп этилган янги бадиий ва ўқув адабиётлари тақдимоти ҳам ўтказилди. Анвар Обиджоннинг "Митти барок, берар сабоқ", Махмуд Тоирнинг "Янги Ташкентнома", Турсунбой Адашбоевнинг "Осмондаги дарвоза" китоблари шулар жумласидандир.

Самимий мулоқот ва мушоира тарзида ўтказилган тадбир якунида талабаларга китоблар тўхфа этилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕКНАВО»
ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ
тақдим этади!

2013 йил 3 март куни соат 19.00 да «ИСТИҚЛОЛ» санъат саройида

муҳтарам Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ёш истеъод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган

«Марди майдон!»
қўшиқлар фестивали
ғолибларининг
«Дилларда Ватан мадҳи»
деб номланган жонли ижродаги концерти ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.

ТАРОЗИЛАР
Micros
0,0001 гр.дан 250 тоннагача

ИЖАРАГА
кран тарозилари бор

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешбоғ к., 88 (Соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 261-43-65, www.micros.uz
- Болуний к., 1 (Тинликте метро бекети), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50; e-mail: scales@ucd.uz
- Тўйгепа к., 5 (Мулжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси

пул ўтказиш йўли билан қуйдагиларни харид қилиш учун танлов эълон қилади:

- Графит мойлар. Литол 24. солидол
- Суюктирилган газ
- Кўпиклантиргич
- Йўғон резина шланг
- Кальций карбиди
- Тормос тасмаси
- Сальники зичлама (тикин)
- Фторопласт маҳсулотлари
- Антрацит
- Конвейер тасмаси
- Кальцинацияланган сода, сирка кислотаси, рух кукун
- Аммофос
- Олтингугурт
- Техник сирка кислотаси
- Биг-Беги қоплари
- Сульфат, хлорид кислоталари
- Беш қатламли крафт-қоплар
- Портловчи моддаларни жойлаш учун гофра кутиллар
- «Мастер БАЧ» полимерлар бўёғи
- Техник туз
- Резина-техник буюмлар, техпластина, хом резина, елим (клей)
- Полиуретан буюмлар
- Гидрофоб микрокальцити
- Капилляр найчалар
- Зангламайдиған темир ва жез (латунь) симлардан тайёрланган тўр
- Абразив асбоблари
- Ферромолибден
- Никель Н-2
- Металл прокати
- 159-377мм.ли сувгаз қувурлари
- Бронза БРА10ЖЗ
- Пайвандлаш симлари СВ08А, СВ08Г2С
- «Рабица» түри
- М42 гайкалари
- Кавшар
- Подшипниклар
- А3, А4 форматдаги қоғозлар
- Офсет, крафт қоғозлари
- Кимёвий маҳсулотлар ва реагентлар
- Кимё идиши
- Рубероид
- Лок-бўёқ маҳсулотлари
- Дераза ойнаси
- Курилишда ишлатиладиган қуруқ аралашмалар
- Полиэтилен ва канализация қувурлари ҳамда фитинглари
- Керамзит
- Полиэтилен пардалар (плёнчалар)
- Полиизобутилен тахта (пластина)
- Электроизоляцияли ПХВ тасмалари
- Электр майиши асбоблар
- Оловбардош маҳсулотлар
- Шақли тунуқалар (профнастил)
- Ёруғлик техникаси маҳсулотлари (турли хилдаги лампалар)
- Ассортимент бўйича конвейер роликлари
- Технолоик, иссиқлик алмашинуви жиҳозлари
- Ювиш воситалари
- Техник нарат
- Ламинацияли парда (плёнка)
- Шифер
- Фольгоизол ТФП ва Изол ТПП
- ПВХ линолеуми
- Электроизоляцияли материаллар
- Флюс
- Металл буюмлар (михпарчинлар, винтлар, дюбеллар, михлар, шурувлар, болталар, гайкалар, шайбалар ва бошқалар)
- Ø 7-8 мм. бўлган оловбардош, вакуум ПВХ найчалар, Ø 5-12 мм. бўлган резина бириктиригичлар (тиббийёт)
- 5-40 мм. фракциядаги шағал
- 150:400 ўлчамдаги бетон
- М100 қоришмаси
- Тўсиш учун ишлатиладиган тош
- Йиғма темир-бетон
- Қоришма қуми
- Керамзит-бетон блоклар
- Пишган қурилиш гишти
- Кўчага ётқизилладиган чорқирра тошлар
- Эшиклар учун МДФдан тайёрланган ёғоч блоклар
- СК22 таянчлари
- Асфальтбетон
- ПВХдан тайёрланган дераза блоклари
- Битум
- Курилиш оҳағи
- Паст вольти маҳсулотлар
- Юқори вольти маҳсулотлар
- Электрётқич асбоблар ва махсус арматура
- Графит ва графит буюмлари
- Ассортимент бўйича мебель
- Электродвигателлар
- Насос жиҳозлари
- Янчадиган кон-шахта жиҳози
- Бурғиллаш асбоблари
- Компрессор жиҳозлари
- Очиё-ёвуви арматура
- Қозонхона жиҳозлари
- Юк кўтариш жиҳозлари
- Ёнгинга қарши воситалар
- Дори-дармонлар ва тиббийёт жиҳозлари
- Автотехника ва эҳтиёт қисмлар
- Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
- Спорт анжомлари
- Канцелярия моллари
- Идора техникаси ва сарфлаш материаллари
- Арраланган ашёлар (ғўла, кесилган-кесилмаган ёғоч тахталар ва бошқалар)
- Сантехника буюмлари
- Махсус кийимлар ва пойабзаллар
- Фуқаро муҳофазаси воситалари
- Курилиш-пардозлаш материаллари
- Вентиляция жиҳозлари
- Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика жиҳозлари
- Газпайвандлаш жиҳозлари
- Лаборатория жиҳозлари
- Темир йўллар эҳтиёт қисмлари
- Сув, газ ва шу кабилар учун ўлчов асбоблари
- Асбоблар (парма, метчик, гайка калити, фрезлар ва бошқалар)
- Темир-бетон буюмлар маҳсулоти
- Тўқимачилик маҳсулотлари
- Мис купороси
- Базальт толаси
- Авто ва махсус техника учун филтрлар

Мулоқот учун телефонлар: (8-436) 227-78-28, факс: 227-74-97, 227-75-66.
Олдиндан тўлов — 15%, маҳсулот етказиб берилиши билан — 85%.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кеңаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кеңаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8768

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Ҳолматов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Тошпирилди — 23.40 1 2 3 5